

## Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича

Термиз ш.

Шартнома 150-сон

2022 йил «01» январь

Сурхондарё вилоят Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Сурхондарё вилоят Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи подполковник А.А.УМАРОВ (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан АТБ «Қишлоққурилишбанк» Қумқўргон филиали номидан Низом асосида фаолият юритувчи АТБ «Қишлоққурилишбанк» Қумқўргон филиали бошқарувчиси С.Шаймардонов.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар:

### 1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи Миллий гвардия қўриқлаш хизмати, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик қўриқлаши кўринишида техник қўриқлаш пунктидан (кейинги ўринларда ТҚП деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 2-боб. Умумий шартлар

2. Буюртмачи АТБ «Қишлоққурилишбанк» Қумқўргон филиали:  
Қўриқлаш хизмати саф бўлинмаси томонидан: 1(бир) ПОСТ 24(йигирма тўрт) СОАТ;  
(қўриқлаш турини кўрсатиш (ИИО, соқчилик, ҳарбий))

ТҚП хизмати: 1. Периметр; 2. Банк кириш эшиги; 3. Омборхона;  
4. Кечки касса; 5. Жамғарма касса - Ташвишгоҳ; 6. Банк постига-ташвишгоҳ ҚЎС хизмати;  
(қўриқлаш турини кўрсатиш (миллий гвардия қўриқлаш хизмати, соқчилик, ҳарбий))

АТБ «Қишлоққурилишбанк» Қумқўргон филиали:  
3. Манзил: Қумқўргон туман, " \_\_\_\_\_ " кўчаси, \_\_\_\_\_ уй.  
(объектнинг тўлиқ номи, жойлашган манзили)

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, қўриқлаш - кузатувга 3 (уч) иш куни ичида Миллий гвардия хизмати қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилган январьди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

### 3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати ойига **55 325 277** (*Эллик беш миллион уч юз йигирма беш минг икки юз етмиш етти*) сўм, 12 ойга **663 903 324** (*Олти юз олтимиш уч миллион тўққиз юз уч минг уч юз йигирма тўрт*) сўм;

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, \_\_\_\_\_ кун ичида мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдорида аванс тўловини амалга оширади. Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичида аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловни амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

### 4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш; хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш; Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

#### 14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

Мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги қўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш январьдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

Ҳар қандай моддий қимматликларни объект худудининг девор тўсиғидан \_\_\_\_\_ метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир январья объектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида \_\_\_\_\_ кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида қўриқлаш сигнализациясини ёқиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қўриқлашга топшириш. Объектнинг қўриқлашга топширилганлиги ҳақида ТҚПни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг қўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектнинг ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик қўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном қўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, қўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

қўриқланаётган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки кадокланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни қўриқлашга топшириш, қўриқлаш тугагандан сўнг қўриқлашдан чиқариш;

қўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунга қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пулът рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакиллари объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

#### 15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш; кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

#### 16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ қўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектнинг ҳамда қўриқлашга топширилган моддий қимматликларни қўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

қўриқланаётган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки кадокланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктдан бир январьалик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни кўриқлаш вақтида жойдаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнгин чиқиши ёки ёнгиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнгин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнгиндан кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир январья объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнгиндан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллий гвардия кўриқлаш хизмати навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия кўриқлаш хизмати вакили етиб келгунга қадар ходиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

#### **5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги**

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этянварьди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади. Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлик миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қоплаянварьди: ижрочи шартномага кўрсатилган мажбуриятларни тўлик бажарган бўлишига қарамадан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний қучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда; буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этянварьди.

#### 6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни коплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### 7-боб. Форс-мажор

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, энгиб бўлганварьдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлганварьдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Энгиб бўлганварьдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас. Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари қиради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

#### 8-боб. Яқуний қондалар

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга қиради. Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга қиради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир. Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги тақлифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

ҳўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича — белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи ҳўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 15 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч январья мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч январья пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 60 кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

35. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар қиритишлари мумкин.

9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Сурхондарё вилоят Қўриқлаш бошқармаси  
(тулик номи)

Юридик манзили: Термиз ш. Нурафшон кўчаси  
2-уй

Банк маълумотлари:

Хисоб рақам 21596000100472756001

МФО: 00024 Марказий банк ХККМ Термиз  
шаҳри

СТИР: 200474157

КТУТ: 97920

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Сурхондарё вилоят Қўриқлаш бошқармаси  
бошлиғи полноқовник



А.А.Умаров

(имзо, муҳр)

Буюртмачи

АТБ “Қишлоққурилишбанк” Қумқўргон  
филиали:

(тулик номи)

Юридик манзили: Қумқўргон туман

Анжуман мейда

Банк реквизитлари:

х/р 1610300010001010001

МФО: 01010

СТИР: 205121101

ИФУТ: 96120

АТБ “Қишлоққурилишбанк” Қумқўргон  
филиали бошқарувчиси.



С.Шаймардонов  
(мансаби, Ф.И.Ш.)

(имзо, муҳр)


15.01.2022 й

Хуқуқшунос хулосаси:

Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларини ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва « Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида » ги Қонунининг моддаларига мос келади.

Юқорида кайд этилганларни инобатга олиб, барча шартлар бўйича келишувга эришилса, шартнома имзоланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Ўз.Рес.Миллий гвардияси Сурхондарё вилоят  
Қўриқлаш бошқармаси бош юристконсулт  
лейтенант:



А.И.Ибрагимов

« 01 » январь 2022 йил.

**« ТАСДИҚЛАЙМАН »**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Сурхондарё вилояти Қўриқлаш  
бошқармаси бошлиғи  
подполковник



А.А.Умаров

« 01 » январь 2022 йил

**« РОЗИМАН »**  
АТБ Қишлоққурилишбанк  
Қумқўрғон филиали  
бошқарувчиси



С.Шаймуродов

« 01 » январь 2022 йил

## АТБ ҚИШЛОҚҚУРИЛИШБАНК ҚУМҚЎРҒОН ФИЛИАЛИга

ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА  
ИККИ ТОМОНЛАМА ТАСДИҚЛАНГАН ШАРТНОМАГА АСОСАН

### Хизматлар тўлови смета-ҳисоби

Манзил: Қумқўрғон туман, " \_\_\_\_\_ " қўчаси, \_\_\_\_\_ уй.

Қўриқлаш тури	Постлар сони	Қўриқлаш вақти	Бир ойлик қўриқлаш вақти	Қўриқлаш хизмати нархи бир соатга	Бир ойда қўриқлаш хизмати учун тўланадиган пул
Қўриқлаш хизмати	1	24	730	58 304	42 561 920
<b>Жами</b>	<b>1</b>	<b>24</b>	<b>730</b>	<b>58 304</b>	<b>42 561 920</b>

Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 мартдаги ПҚ-5029 сон Қарори ҳамда 17 январьдаги "Иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ПФ-6279-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони ва Молия Вазири томонидан тасдиқланган тарифга асосан, 2021 йил "01" сентябрдан ҳисоблансин.

Ўз.Рес.Миллий гвардияси Сурхондарё вилоят  
Қўриқлаш бошқармаси МИБ бошлиғи  
капитан:

Д.Б.Бабаева.

АТБ "Қишлоққурилишбанк" Қумкўрғон филиали

ҚҰРИҚЛАШ ХИЗМАТИНИ КўРСАТИШ БўЙИЧА  
ИККИ ТОМОНЛАМА ТАСДИҚЛАНГАН ШАРТНОМАГА АСОСАН  
**Хизматлар тўлови смета-хисоби (ПЕРЕЧЕНЬ)**

№/П	кўриқлаш объектларининг номлари	кўриқлаш тури	Икки томонлама тузулган 2022 йилнинг «01» январь кунидagi № 150 - сонли кўриқлаш хизмати шартномасига кушимча илова кўриқлаш вақти			2022 йил «01» январь кунидан бошлаб кўриқлаш нархи		
			Иш кунлари	Дам олиш ва байрам кунлари	Байрам олди ва байрам кунлари	Йиллик кўриқлаш вақти	Бир соатга	Бир ойда кўриқлаш хизмати
1	Периметр	ТКП	12	12	12	4 380	6 256	2 283 440
2	Банк кириш эшиги	ТКП	11	11	11	4 015	6 256	2 093 153
3	Омборхона	ТКП	14	14	14	5 110	6 256	2 664 013
4	Кечки касса	ТКП	14	14	14	5 110	6 256	2 664 013
5	Жамғарма касса - Ташвишгоҳ	ТКП	8	8	8	2 920	3 128	761 147
6	Банк постига-ташвишгоҳ	ТКП	8	8	8	2 920	3 128	761 147
	Объектларда ўрнатилган кўриқлаш-ёнгин сиртналзация хизмати	52 ҚҒОС					29 547	1 536 444
	ЖАМИ							12 763 357

Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 мартдаги ПҚ-5029 сон Қарори ҳамда 17 августдаги "Иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ПФ-6279-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўмовдони ва Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган тарифга асосан, 2021 йил "01" сентябрьдан ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Сурхондарё вилояти  
Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи  
подполковник:

«01» январь 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Сурхондарё вилояти  
Қўриқлаш бошқармаси МИБ бошлиғи  
капитан:

«01» январь 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Сурхондарё вилоят Қўриқлаш бошқармаси  
АК ва ҚТ ЖҚБ бошлиғи  
капитан:

«01» январь 2022 йил

А.А.Умаров.

Д.Б.Бабаева.

С.А.Тошмуратов



АТБ "Қишлоққурилишбанк" Қумкўрғон филиали  
бошқарувчиси

С.Шаймуродов.

